



## МОДДИЙ ТЕХНИК ТАЪМИНОТ СОХАСИДА АУТСОРСИНГ ТАДБИҚ ЕТИШ МУАММОЛАРИНИ ЮЗАГА КЕЛТИРУВЧИ ВА УНГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР

Мусурмонов Шодиер Фахридинович

Ўзбекистон Республикаси Жамоат

ҳаф滋生лиги Университети

магистратураси тингловчиси

Телефон рақами +99888 437-27-77

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7472047>

### ARTICLE INFO

Received: 13<sup>th</sup> December 2022

Accepted: 21<sup>th</sup> December 2022

Online: 22<sup>th</sup> December 2022

### KEY WORDS

Аутсорсинг, ташкилот, корхона, муносабатлар, ресурслар, хизмат курстиш, қонунчиллик, давлат ташкилотлари, инфра тузилма.

Давлат ташкилотлари ичида корхона ташкилотлар тизимидағи ёрдамчи характерга эга вазифалар билан боғлиқ бўлган муаммоли ва долзарб масалалар кўплаб муҳокамаларга сабаб бўлмоқда. Хусусан, ишчилар томонидан касбий таёргарлик масалаларини муваффақиятли амалга ошириш юзасидан ўзларига хос бўлмаган вазифалар билан шуғуланишига тўғри келади. Бу эса корхона ишчиларнинг олдиларига қўйилган муҳим масалалардан чалғишилари ва турли хўжалик ишлари билан шуғуланишларига олиб келмоқда. Катта эҳтимол билан корхона ишчилари мавжуд ҳолатдан норози кайфиятда бўлишади.

Юқоридаги ҳолатларни олдини олиш мақсадида аутсорсинг тизимининг корхона ташкилотларда кенг қўлланилиши, ўзига хос бўлмаган вазифаларнинг ташқи ижроичиларга

### ABSTRACT

Уибу мақолада корхона ташкилотда аутсорсинг тизимини тадбиқ етилиши унинг моддий техник таъминотида юзага келадиган муаммолар унга таъсир етувчи омиллар аутсорсинг тизими саралаб олиш корхона ва ташкилот ишчиларини хар хил шаротиларда овқатлантириш корхона ва аутсорсинг ўртасидаги муносабатлар масалалари курсатиб ўтилган ва мулоҳаза йуритилган.

топширилиши бу борада энг оқилона ечимлардан бири бўлиб баҳоланмоқда. Шунингдек, аутсорсинг корхона ишчиларга хизмат кўрсатиш сифатини оширувчи муҳим омил сифатида ҳам алоҳида юқори баҳоланмоқда. Шу билан бирга, ташқи ижрочи учун ҳам корхона ташкилотлар тизими - бу узоқ ҳамкорлик ва барқарор фойда манбаси сифатида қаралмоқда.

Катта корхоналарнинг моддий таъминотини аутсорсинг тизими орқали амалга оширишда бевосита тўсиқ бўлаётган айрим муаммоларни юзага келишига, умуман олганда, унга таъсир этаётган омилларга алоҳида тўхталиб ўтиш, аутсорсинг тизимини такомиллаштириш борасидаги ишларда муҳим ўрин эгаллайди.

Давлат ташкилотлари фаолиятига аутсорсингни жорий этилиши ва уни амалга оширилиши маълум бир хавф(риск)лар билан боғлиқ. Улардан



асосийлари сифатида қуидагиларни келтиришимиз мумкин:

- махфий характерга эга бўлган давлат ва ишлаб чиқариш сирларининг чиқиб кетиши;
- аутсорсерларнинг ўз ваколатларини суистеъмол қилишлари ҳолати (масалан, аутсорсерлар томонидан сохта ҳужжатларни расмийлаштириш);
- аутсорсерлар томонидан кўрсатилган хизматлар учун нархларни сунъий оширишлари, тегишли аутсорсер билан шартномани бузиб, янги танлов асосида янги ижрочини танлаб олгунча ташкилот фаолият таъминотида узилишларнинг юз бериши ҳолатлари. Ушбу ҳолатда ҳам янги танловдаги ғолиб билан келгуси фаолият мақсадга мувофиқ нархларда амалга оширилиши масаласи ҳам аниқ эмас. Бундан ташқари, давлат ташкилоти раҳбарининг кундалик фаолияти тўхтаб қолмаслиги мақсадида шартномани бузмасдан, оширилган нархларга вазият тақазоси билан розилик бериш ҳолатлари ҳам бўлади;
- аутсорсинг бозор муносабатлари ва бозор муносабатларига хос бўлмаган (иерархик) элементлардан ташкил топган.<sup>1</sup> Бунда аниқ билиб олишимиз лозим бўлган муҳим аҳамият касб этувчи хусусият - бу аутсорсинг муносабатига киришган талабгорнинг аутсорсер устидан бозор иқтисодиётига хос бўлмаган бошқаруви чегаравий даражасини билиб олишимиз лозим. Масалан, ташкилот раҳабари аутсорсердан тегишли овқатлантириш хизмати юзасидан ташкилот

ишчиларининг озиқ-овқатини худудгача олиб бориб тарқатиш буйругини беришга ҳақлими ёки ташкилот раҳбари фавқулотда холатлардан келиб чиқиб овқатлантиришнинг турли вазиятларда амалга ошириш юзасидан қўшимча вазифаларни юклатишга ҳақлими ёки ҳақли эмасми саволини қўядиган бўлсак, agar ҳақли бўлмаса бошқа саволларни келтириб чиқариши мумкин.<sup>2</sup> Агарда ҳақли бўлса, бу жуда юқори даражадаги ахлоқий-руҳий холатми ёки шартномада кўрсатилган холат билан чамбарчас боғлиқ бўлади. Чунки, ташкилотларни турли холатларда овқатлантиришни амалга ошириш учун махсус холатларда қурилиш майдонларида овқатлантириш шароитларига эга бўлмаган холатларда қандай қилиб амалга ошириши мумкинлиги бу борадаги асосий таҳдидлардан биридир. Бундай вазиятнинг ечими сифатида давлат ташкилотларига хизмат кўрсатиш учун мўлжалланган махсус овқатлантириш билан фаолият олиб борадиган тузилма ташкил этишни келтириб ўтишимиз мумкин, бироқ бу аутсорсингнинг муҳим хусусияти ҳисобланган энг сифатли мақбул ғолибни танлаш механизмига зид бўлиб қолади.

Юқорида тўхталиб ўтган хавфларни имкон қадар камайтириш мақсадида бу борадаги аутсорсинг муносабатига киришадиган қатнашувчилар фаолиятини қатъий тартиблаштириш ва ўзаро ҳамкорлик сифатларини назорат қилиб бориш масалаларига

<sup>1</sup> Шерешева М.Ю. Формы сетевого взаимодействия компаний. Изд. Дом Государственного университета – Высшей школы экономики, 2010. – 339 с.

<sup>2</sup> Сплендер В. А. Иллюзорная экономия бюджетных средств от использования аутсорсинга для нужд армии. 2011. – №44 (86). – С. 14 – 18.



алоҳида эътибор қаратишни талаб этмоқда.

Аутсорсинг тамойилининг тадбиқ этилиши ташкилотларда меҳнат сифимини қисқартириб, асосий вазифадан ташқари бўлган қўшимча вазифаларга ортиқча куч ва воситаларни сарфини камайтириб, ихтисослик йўналишидаги бошқа вазифаларни амалга оширишга йўналтиради. Шунингдек, ишчи хизматчиларни ортиқча хўжалик ишларидан озод этиб, уларнинг жанговар билим ва малакаларини узлуксиз равишда ошишига яқиндан ёрдам беради.

Аутсорсингни тадбиқ этилиши натижасидаги асосий афзалликлар сифатида қўйидагиларни келтириб ўтишимиз мумкин:

- ташкилотларнинг ички ресурсларини асосий вазифани бажариш учун бўшатиш;
- олинадиган маҳсулотлар ва хизматлар сифатини ошириш;
- ташқи ижрочи томонидан аввал корхонада мавжуд бўлмаган маҳсус технологиялар, қурилмалар ва билимлардан фаол равишда фойдаланиш (инновацион ёндашув);
- ташкилотларда аутсорсинг хизматларини кўрсатишга тайёр бўлган ташқи корхоналар ва ташкилотлар ўратисидаги рақобатнинг вужудга келиши, ўз навбатида ғолиб аутсорсерни саралаш жараёнида шаффоф танлов учун қулай вазият;
- аутсорсинг шартномаларини тузиш орқали хўжалик фаолиятини амалга ошириш натижасида бўлиши мумкин бўлган моддий хавфларнинг бўлиниши (камайиши эҳтимоли).

Шу билан биргаликда корхона ташкилотларда аутсорсингдан фойланиш қўйидаги салбий ҳолатларни келтириб чиқариши мумкин:

- аутсорсинг компаниялари ходимларининг маҳсус тайёргарлигининг сустлиги аутсорсерларга қўйилган вазифаларни зарурий даражадаги сифатда амалга оширишига ҳалал бериши мумкин;
- корхона бошлиғи томонидан аутсорсер фаолиятини бошқариш бўйича барқарор восита (рычаг)нинг мавжуд эмаслиги ва бунинг натижасида хизмат кўрсатиш сифатининг тушиб, нархларнинг ошиб кетиши ҳолатларининг юз бериши;
- аутсорсинг муносабатларига киришган корхонага тегишли давлат ва ишлаб чиқариш сирларни ўз ичига олган маълумотлар билан ишлашга рухсат берилиши натижасидаги хавфли ҳолатлар ва давлат мулкларидан эҳтиётсизлик билан фойдаланиш;
- аутсорсерларнингаҳоли яшаш пунктларидан, иқтисодиёт инфраструктураларидан йироқда бўлган пайтларда хизмат кўрсатишнинг қийинчилиги ёки умуман амалга оширишга қодир эмаслиги ҳолатлари.

Катта корхоналар моддий таъминотини, хусусан, озиқ-овқат таъминотини аутсорсинг асосида амалга оширишдаги муаммолардан бири бўлган аутсорсинг тизими назарий-хукуқий асосларининг тўлиқ эмаслиги муаммосини бевосита юзага келтирувчи омиллар сифатида қўйидагиларни келтириб ўтишимиз мумкин:

- Ишлаб чиқариш соҳадаги моддий таъминотнинг аутсорсинг тамойили



назарий асослари яратилмаган, хусусан, иқтисодиётнинг айнан ташкилот бўлинмалар моддий таъминотини аутсорсинг орқали амалга ошириш масалалари бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмаган, қолаверса, бу борада аутсорсинг мазмун-моҳиятини очиб берувчи илмий тушунча (таъриф) ишлаб чиқилмаган;

- давлат қонунчилигида аутсорсинг тамойилининг иқтисодий термин сифатидаги, шунингдек, иқтисодий тамойил сифатидаги таърифларини, шу ўринда аутсорсинг муносабатларини қонуний жиҳатдан тартибга солишнинг барча масалаларини қамраб олган ҳуқуқий ҳужжат мавжуд эмас;

- Ташкилот ва корхоналар хусусиятларига кўра аутсорсинг хизматларини амалга оширишнинг турли жиҳатларини ўз ичига қамраб олган ўзаро манфаатли ҳамкорликни ўз ичига олувчи алгоритм аниқ белгилаб берилмаган ёки бу борадаги ҳуқуқий асослар мавжуд эмас.

Катта корхоналар моддий таъминотини аутсорсинг тамойили орқали амалга оширишда, аутсорсерларни саралаш ва танлаб олишнинг мукаммал эмаслиги муамmosини бевосита юзага келтирувчи қуидаги омиллар мавжуд:

- ғолиб аутсорсерларни аниқлаш мақсадида тегишли аутсорсерларни саралаш ва танлаб олишда уларга қўйиладиган объектив мезонларни ишлаб чиқиш учун соҳага тегишли бўлган етарли тажриба мавжуд эмас, ҳамда, мавжуд шарт-шароитлар, корхона хизмат фаолияти хусусиятларидан келиб чиқиб мезонларни даврий равища ўзгаририлиб борилиши заруратининг туғилиши;

- хизмат кўрсатувчиларни аниқлаш ва танлаб олишда мавжуд қонунчилик доирасида бир-бирига зид келувчи ҳолатлар мавжуд.

Катта корхоналар моддий таъминотини аутсорсинг шароитида амалга оширишда аутсорсинг фаолияти самарадорлигини баҳолаш, тизим назорати ва мониторингини олиб боришининг пухта эмаслиги муамmosини юзага келтирувчи, бевосита унга таъсир этувчи қуидаги омиллар мавжуд:

- биринчи навбатда, аутсорсинг мукаммал тизим сифатида тўлиқ шаклланмаган;

- аутсорсинг бўйича икки томонлама манфаатли ҳамкорлик масалаларини қамраб олган, шунингдек, омилли таҳлиллар асосида аутсорсинг тизимини баҳолашнинг аниқ механизими мавжуд эмас;

- аутсорсинг шароитида иккитомонлама ҳуқуқ ва мажбуриятлар, шунингдек, аутсорсинг шартномаси ижроси юзасидан ҳуқуқий оқибатлар ва жавобгарлик масалаларини акс эттирган аниқ ҳуқуқий ҳужжат мавжуд эмас.

Катта корхоналар озиқ-овқат таъминотини аутсорсинг тамойили орқали амалга оширишда маҳсулотлар заҳирасини яратишнинг ишончли тизими яратилмаганилиги муамmosи ва бу муаммони келтириб чиқарувчи асосий омиллар сифатида қуидагиларни кўрсатиб ўтишимиз мумкин:

- тегишли даражадаги йирик моддий-техник база салоҳиятига эга аутсорсерларнинг нисбатан камлиги;

- аутсорсерларнинг маҳсулотларни ташкилот омборхоналаридан олишга нисбатан хоҳишининг мавжуд эмаслиги;



- маҳаллий бозорлардаги кўплаб маҳсулотларнинг сифат жиҳатидан пастлиги;
- озиқ-овқат маҳсулотлари заҳирасини яратиш бўйича масъул давлат ва нодавлат ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликнинг ислоҳотлар талаби даражасида эмаслиги.

Катта корхоналар бўлималарига аутсорсерлар томонидан турли иқлим ва фавқулотда холат вазиятларда хизмат кўрсатишнинг мукаммал эмаслиги муаммосини юзага келтирувчи ва унга таъсир этувчи қуидаги омиллар мавжуд:

- тегишли худудда инфратузилманинг йўқлиги;
- хизмат хусусиятларига кўра ўзаро муносабатларнинг тартибга солинмаганлиги;
- маҳсус тайёргарликка эга ходимлар сонининг чекланганлиги;
- зарурый моддий-техник салоҳиятга эга аутсорсерларнинг камлиги.

Катта корхоналар бўлинмалари моддий таъминотини аутсорсинг шароитида амалга оширишда хавфсизлик масалаларини таъминлаш муаммоларини юзага келтирувчи қуидаги омиллар мавжуд:

- ғолиб аутсорсерларни саралаш ва танлаб олиш юзасидан хавфсизликка бевосита алоқадор бўлган мезонларни мавжуд эмаслиги;
- аутсорсер корхоналардаги меҳнат муносабатларининг ижтимоий жиҳатдан бекарорлиги;
- инсон омили, давлат ва ишлаб чиқариш сирларни сақлашга нисбатан ходимларни ва корхона ишчиларидаги шахсий масъулият ва ҳ.к.

Хизматларни қабул қилувчи ва хизматларни амалга оширувчи

ташкилотлар ўртасидаги муносабатлар аутсорсинг шартномаси асосида вужудга келиб, бу ҳақида илмий адабиётларда тегишли вазифалар ва фаолият турларини (ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, молиявий, бошқарув ва бошқа) ёки бизнес жараёнларни (ташкилий, молиявий-иктисодий, ишлаб чиқариш-технологик, маркетинг ва бошқа) белгиланган тартибда салоҳиятли, малакали хизмат кўрсатувчи таркибга (ташқи ижрочи) келгусида тегишли қисми бўйича ижросини таъминлаш мақсадида топшириши жараёни сифатида келтириб ўтилган. Яъни, бу ўзаро хукуқ ва мажбуриятларни юкловчи, моддий манфаатдорлик асносидаи узоқ муддатли характерга эга шартнома.

Аутсорсинг муносабатларининг алоҳида хусусияти сифатида аутсорсер корхонанинг алоҳида олинган ходими, унинг малакавий ва касбий тайёргарлиги ва бошқа хусусиятлари аутсорсерлар фаолияти сифат даражасини белгилаб беришдаги муҳим назорат бўғини ҳисобланади.

Юқоридаги маълумотларни барчасини умумлаштириб айтишимиз мумкинки, ташкилотларнинг уларга хос бўлмаган вазифаларини ташқи корхоналар томонидан амалга оширилиши даражасини белгилаб берувчи қуидаги омиллар мавжуд:

- аутсорсингдан фойдаланиш натижасида корхона ташкилотлар ва корхоналар сустлашувига олиб келувчи хавф эҳтимоллиги;
- иккинчи даражали аҳамиятга эга у ёки бу вазифаларни аутсорсинг тизимиға ўтказилиши натижасида юзага келган иқтисодий самарадорлиги қиймати (миқдори);



- тегишли иш ва хизматларни ўз куч ва воситалари ҳамда ташқи ресурслар куч ва воситалари орқали амалга оширишдаги сифат кўрсаткичларининг баҳоси.

Шундай қилиб, давлат ташкилоти фаолиятидаги барча вазифа ва жараёнларни аутсорсинг тизимига ўтказиш мақсадга мувофиқ эмас,

хусусан, бу борада етарли даражадаги хавфлар мавжуд. Шунга қарамасдан, умумий қилиб айтганда, аутсорсингни давлат хизматларини кўрсатишнинг самарали воситаси сифатида алоҳида ўрни мавжуд бўлиб, шу ўринда аутсорсинг тамойилининг давлат ташкилотлари фаолиятидаги аҳамияти юқори даражада ва ошиб бормоқда.

### References:

1. Шерешева М.Ю. Формы сетевого взаимодействия компаний. Изд. Дом Государственного университета – Высшей школы экономики, 2010. – 339 с.
2. Сплендер В. А. Иллюзорная экономия бюджетных средств от использования аутсорсинга для нужд армии. 2011. – №44 (86). – С. 14 – 18.
3. Аутсорсинг бизнес-процессов. Советы финансового директора // Под общ. ред. В.В. Голда; пер. с англ. Н.И. Кобзаревой. – М.: Вершина, 2006.– 140 с.
4. Шаститко А.Е. Выбор механизмов управления контрактными отношениями в условиях реформы регулирования экономики. Дeregulирование экономики и устранение административных барьеров, Российская Федерация А.Е. Шаститко // (EUROPEAID/114008/C/SV/RU). – М.: ТЕИС, 2004. – С. 50-51.;
5. Батаева П. В. Публичные услуги и функции государственного управления // Под ред. А. Е. Шаститко; Авт. коллектив: Н. С. Батаева, П. В. Крючкова, М. С. Потапенко, В. Л. Тамбовцев, А. Е. Шаститко. Бюро экон. анализа. – М.: ТЕИС, 2002. – 160 с.
6. Якобсон Л.И. Государственный сектор экономики: экономическая теория и политика / Л.И. Якобсон. – М.: ГУ-ВШЭ, 2000. – 295 с.
7. Peter Singer. Corporate Warriors The Rice of the Privatized Military Industry. Cornell University Press. New York, 2003. Р. 91-95;
8. Герасимова Г. Е. Определение и виды аутсорсинга // Пермское агентство аутсорсинга. URL:<http://www.outsourcing-perm.ru>.